ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ ИНТЕГРАЛ ДИАГНОСТИКА ВОСИТАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛИ

Азимова З.Э. Тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосда такомиллаштириш / Масъул муҳаррир: проф. М.Қуронов.- Тошкент: Muharrir, 2018.

Инсоният тафаккури ва амалиёти тарихидаги педагогик категориялардан бири бўлмиш тарбия ҳамиша жамиятдаги етакчи ахлоқий қадриятлар билан уларнинг одамлар томонидан бажарилиши ўртасидаги мувозанатни таъминлашга йуналтирилиб келинади. Жамиятнинг устувор қадриятлари қанчалик умуминсоний бўлса, шунчалик умрбоқийлик касб этади. Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инновацияларни кенг кўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик инновациялар кўламининг ортиб бориши мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим-тарбия соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

З.Азимованинг «Тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосда такомиллаштириш» номли монографияси илмий-назарий мушоҳадалар, амалий-татбиқий жиҳатларга бойлиги, мулоҳазаларнинг изчил ва ўзаро узвий боғланганлиги, муаммоларнинг юзага келиш сабаблари ва ечимини топиш механизмлари тўғрисидаги дадил ғоялари билан алоҳида аҳамият касб этади.

Монографиянинг кириш қисмида муаммонинг долзарблиги етарлича асосланган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади аниқ кўрсатилиб, мазкур мақсадни амалга оширишга йўналтирилган вазифалар белгилаб олинган.

«Ўзбекистонда маънавий-маърифий ислоҳотларнинг методологик масалалари» деб номланган 1-бобда муаллиф ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини реаллаштириш учун миллий ва халқаро тажрибаларни чуқур ўрганади, уларни ўзаро қиёслайди, муносабат билдиради. Бу жараёнда муаллифга хос бўлган синчковлик, кузатувчанлик, зийраклик, уқувлилик сифатлари кўринади. З.Азимова қайси илмий манбага, маънавий-маърифий асосга мурожаат қилмасин, суст истеъмолчига айланишдан қочади. Аксинча, инсоният тажрибаси давомида яратилган илмий ва ҳаётий ҳақиқатларни ўз тадқиқот иши ракурсида кўришга интилади, холис танқидий-таҳлилий муносабат билдиради. Тадқиқотчи тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосда такомиллаштириш деганда «ЎЗЛИК»ни англаш, уни асараш, ривожлантиришни кўзда тутади.

«Олий таълим муассасаларида талабалар тарбиясининг компаратив ва интеграл педагогик хусусиятлари» диққат марказига қўйилган 2-бобда олий таълим муассасаси талабаси – бўлғувси педагог, ўқитувчи-муаллим – эртага ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш жараёнининг субъекти эканлиги алоҳида таъкидланади. Бунинг учун, авало, тарбиячининг ўзи тарбиявий сифатларни ўзлаштирган бўлиши талаб этилади. З.Азимова тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосда такомиллаштириш орқали кадрларнинг касбий лаёқат даражасини таҳлиллайди, ривожлантириш йўлларини қидиради. Муаллиф илмий-тадқиқот иши натижасида қуйидагиларга эришади:

- олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларнинг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилган, тизимли ёндашув асосида ижтимоий-педагогик фаолиятга технологик мажмуанинг қўлланиши асосида талабалар орасида маънавий бегоналашувга олиб келувчи сабаб ва омилларни бартараф этиш ва уларни ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари аниқланган;

- олий таълим тизимида тарбиявий ишларнинг педагогик тизими асослаб берилган;

- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш самарасининг ошишига олиб келувчи педагогик тизим ресурслари аниқланган ва улардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган, амалиётга татбиқ этилган;

- олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар самарадорлиги мезонлари, кўрсаткичлари, даражалари ҳамда тарбия субъектлари компетентлилигини оширишга қаратилган тренинг дастурлари, услубий мажмуалар ишлаб чиқилган.

Монографиянинг 3-боби «Интеграл диагностика – тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш омили сифатида» деб номланган. Маънавий-мафкуравий тарғибот ўта назарийлашиб, қуруқ насиҳат, ваъзхонлик каби бирёқламаликлардан холи бўлмоғи учун бу жараён илмий педагогик жиҳатдан ўрганилиши, умумлаштирилиши, тарғиб ва ташвиқот қилиниши керак. Шу жиҳатлар бобда ўзининг амалий тасдиғини топган. Бунинг учун олий талим муассасаларида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг амалий тадқиқотига асосланган методологиясини яратиш, ёшлар орасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг экспериментал-педагогик тадқиқотларини амалга ошириш орқали педагогик мониторинг ва интеграл ташхиснинг юқори даражадаги аниқлигига эришиш, Ғарб ва Шарқ тарбиявий тажрибаси ютуқлари намуналарини ўрганиш, академик гуруҳ мураббийлари, профессор-ўқитувчилар, маънавий-маърифий ишларнинг барча субъектларини педагогиканинг амалий-тадқиқот усуллари, технологияси билан таништириш ўта муҳим. Ана шу эзгу ишларни амалга оширишда ушбу монография қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Бу эса республикамиз олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг аҳволи, ютуқ ва камчиликларини тезкор қайд қилиш, тузатиш ва такомиллаштириш имкониятларини беради. Шу тариқа маънавий-маърифий ишлар Ўзбекистонда ҳар бир талабанинг ўзлигини намоён қилишига, ўз шахсий манфаат ва имкониятларини миллий истиқлол қадриятлари негизига қура олишига ижтимоий-маърифий шароит яратади.

Монографиянинг «Олий таълим муассасаларида тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосда ривожлантириш йўналишлари» деб номланган 4-боби алоҳида аҳамиятга эга. Унда талабаларни маънавий тарбиялаш – илмий асосга қурилган, уларнинг педагогик-психологик хусусиятларидан келиб чиқувчи, миллий истиқлол мақсадларига йўналтирилган, муайян натижаларга қаратилган тарзда амалга оширилувчи педагогик-технологик жараён эканлиги кенг қамровли ёритилган. Ана шунинг учун ҳам маънавий тарбия тарихи, мафкуравий, замонавий ва истиқболий мазмунга эгадир. Маънавий-маърифий ишлар илмийлик билан уйғунлашув орқали ёш авлодда ватанпарварлик, миллий ғурур, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро мафкуравий иммунитет каби Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси талаб қилаётган бунёдкор фазилатларни шакллантиришни ўзига вазифа, асосий йўналиш қилиб белгилайди.

Монография талабалар тарбияси самарадорлигини оширишда интеграл диагностикадан фойдаланишнинг назарий, услубий, амалий масалаларига бағишланиб, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, мураббийлар, ёшлар иттифоқи етакчилари ва ёшлар тарбияси билан қизиқувчи кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

Ш.Юсупова,
педагогика фанлари доктори